

New Uzbekistan – towards spiritual growth

**Azimova Lola Karimovna,
Associate Professor of the Department of "Uzbek and Foreign Languages"
of the International Academy of Islamic Studies of Uzbekistan**

Abstract. The thesis analyzes the issues related to all spheres of social life, especially the considerations put forward by President Shavkat Mirziyoyev in his Address to the Oliy Majlis and the People of Uzbekistan on December 26, 2025, regarding spiritual upliftment as an important basis for building a New Uzbekistan. Also, the ideas about the role of education and upbringing in the implementation of spiritual issues and the great importance of the heritage of scholars are illustrated with examples.

Keywords: heritage, spirituality, field, education, rise, enlightenment, scholars, wealth, progress, works, intellect, potential, standard, system

Annotatsiya. Тезисда 2025 йил 26 декабрдаги Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илгари сурилган жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ масалалар, айниқса, маънавий юксалиш Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим асоси эканлигига доир мулоҳазалари таҳлилга тортилган. Шунингдек, маънавий масалаларни амалга оширишда таълим-тарбиянинг ўрни, алломалар меросининг аҳамияти юқори эканлиги ҳақидаги фикрлар мисоллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: мерос, маънавият, соҳа, таълим, юксалиш, маърифат, алломалар, бойлик, тараққиёт, асарлар, интеллект, салоҳият, стандарт, тизим

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳар бир босқичи маънавият, маърифат ва адолат устуворлигини амалга ошириш билан боғлиқдир. Сўнгги йилларда олиб

борилаётган ислохотлар замирида таълим тизимини модернизация қилиш, замонавий стандартларни жорий этиш ва маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш масалаларини амалга ошириш ташкил этади. Бу эса, мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти янада юксалтиришага хизмат қилмоқда. Хусусан, **“Янги Ўзбекистон – бу фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки маънавий юксалиш мамлакатидир”**, деган ғоя давлатнинг сиёсий ва ижтимоий стратегиясида асосий йўналиш сифатида белгиланган[1].

Иқтисодий ўсиш, ижтимоий қонуниятлар ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар нафақат замонавий давлат бошқаруви талаблари билан, балки инсон маънавияти ва жамият онгини ривожлантириш билан ҳам боғлиқдир. Масалан, маҳалла ва оила институтларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар билим олиш имкониятларини кенгайтириш, ахборот ва матбуот орқали маънавий тарбияни мустаҳкамлаш мамлакатда маънавий ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласида ёшлар ўрнига алоҳида тўхталиб, **“биз янги Ўзбекистонни аввало билимли, онгли ва ватанпарвар ёшлар билан бирга қурамиз”**, дея таъкидлади. Бу фикр Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг илм ва маърифатни жамият тараққиётининг асосий шarti сифатида кўрган ҳолдаги фалсафий қарашлари билан уйғундир. Имом Мотуридий таълимотида ақл ва илм эътиқодни мустаҳкамловчи асос сифатида қаралган бўлса, Аҳмад Яссавий ҳикматларида эса, маънавий тарбия инсон камолотига олиб боровчи энг тўғри йўл сифатида талкин этилган. Бугунги давлат сиёсатида таълим ва маърифатга берилган устувор аҳамият ана шу маънавий мероснинг давоми эканини англатади[2].

Президентимиз томонидан 2026 йилни **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** деб эълон қилиниши ҳам чуқур маънавий мазмунга эга қарор бўлиб, давлат раҳбари бу ҳақда “маҳалла — халқ билан давлатни боғлайдиган энг муҳим бўғин” эканини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, асрлар давомида маҳалла ўзбек жамиятида тарбия, ўзаро ёрдам, маънавий назорат ва жамоатчилик фикри шаклланадиган муқаддас макон бўлиб келган. Бугун маҳалланинг давлат сиёсатида устувор институт сифатида қаралиши жамиятни қуйидан ислоҳ қилиш, фуқаролар фаоллигини ошириш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда[3].

Мурожаатномада таълим ва илм-фан масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Президент **“илмга сармоя — энг ишончли сармоядир”**, деб таъкидлади. Бу ғоя буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг илми ибодат билан тенг қўйган қарашлари билан уйғун бўлиб, Янги Ўзбекистонда илм-фан ва маърифат давлат тараққиётининг стратегик асоси сифатида қаралаётганини кўрсатади. Бугун таълим муассасаларини ривожлантириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, илмий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали маърифатли жамиятга пойдевор қўйилмоқда.

Президентнинг Мурожаатномаси нафақат Янги Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун йўл харитаси сифатида, балки чуқур маънавий-маърифий дастур сифатида ҳам хизмат қилади. Унда давлат сиёсати марказига олиб чиқилган **“инсон қадри”**, **“адолат”**, **“маърифат”** ва **“жавобгарлик”** каби тушунчалар, мамлакатимиздаги барча ислохотларнинг асосий ғояси ва раҳнамолиги сифатида белгиланган. Бу эса давлат ва жамият ҳаётида инсон, унинг маънавий камолоти ва келажак авлоднинг тақдири энг юқори қадрият сифатида эътироф этилаётганини англатади[3].

Янги Ўзбекистоннинг юксак марралар сари дадил қадамлар билан интилиш ғояси иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонлик билан чекланиб қолмасдан, балки халқимизнинг маънавий юксалиши ва миллий меросга ҳурмат руҳида тарбияланишига ҳам хизмат қилади. Миллий маънавиятимиз, улуғ алломаларимизнинг таълимоти ва асарлари бу жараёнда замонавий давлат сиёсати учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Хусусан **Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг илму маърифатга бағишланган бой мероси** халқ ҳаётида адолат, фалсафий мушоҳада ва маънавий тарбиянинг асоси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, давлат ва жамият ҳаётининг маънавий асосларини янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, бу ғоялар замонавий тараққиёт йўналишлари билан уйғунлаштирилган ҳолда халқнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини ҳам яхшилашга қаратилган чора-тадбирларда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, **“замонавий ислохотлар фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётида амалий натижалар билан баҳоланади”**, деган принцип нафақат давлат бошқарувида, балки ҳар бир жамият аъзосининг кундалик ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маънавий-маърифий ривожланишда ягона барқарорлик ва уйғунлик масалаларига эътибор қаратилиши Янги Ўзбекистонни юксак марралар сари дадил қадамлар билан одимлашга муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Миллий кадриятлар, буюк алломалар таълимоти ва замонавий ислохотлар бирлашиб, халқимизнинг янги даврдаги камолоти ва тараққиёти учун пойдевор яратади.

Янги Ўзбекистон маънавий юксалиш сари дадил қадамлар билан одимламоқда. Бу эса, нафақат стратегик мақсадлар ва давлат сиёсатини, балки халқ маънавияти ва маърифий ўсишини ҳам ўз ичига олган ҳолда янги

Ўзбекистонни барпо этишда асосий йўналиш сифатида хизмат қилади. Шунингдек, мазкур жиҳатлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётида, жамиятда ва давлат бошқарувида амалий натижалар билан намоён бўлиб, келажак авлод учун барқарор, маънавий бой ва тараққийпарвар мамлакат қуриш йўлида олиб борилаётган ишларнинг асосий мезонига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент : Ўзбекистон, 2021.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (2025 йил 26 декабрь). – Тошкент, 2025.